

Тұғараклар

“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедрасыда фан тұғараклари ташкил этилган бўлиб, унга институттинг иқтисодиёт соҳасига қизиқиш билдирган барча талабалар қатнашишади. “Ҳисобчи-аудитор” илмий тұғарагига кафедра мудири доцент Ш.Ходжимұхамедова ва профессор-үқитувчилар раҳбарлик қилиб келмоқда.

Талабаларнинг илмий изланишлари натижалари республика журналлари, конференциялар тұпламларыда мақола ва тезис күринишида ўз аксини топмоқда. Тұғаракда иқтисодиёттинг долзарб муаммолари бўйича изланишлар олиб борилади.

Тұғарак режасига мувофиқ иқтидорли талабаларни фан олимпиадаларида, кўрик танловларда иштирок этишлари, “Устоз шогирд тизими”ни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунончи, таълим йўналиши З-курс талабалари Ж.Ҳакимов, Ж.Махмудов, У.Ширинбоев ҳамда 4-курс талабаси Г.Пирназарова институт Илмий Кенгаши стипендияси соҳиби бўлди.

Бу тұғаракда асосан факултеттинг 1, 2, 3 ва 4-босқич талабалари иштирок этади. Улар айнан “Бухгалтерия ҳисоби”, “Молиявий ҳисоб ва ҳисбот”, “Аудит” фанларига оид курс иши, илмий рефератлар, кейслар ва мавзуларнинг презентацияларини тайёрлаш услугини ўрганишади.

2018-2019 ўқув йилида “Ҳисобчи-аудитор” илмий тұғарагида ўрганиладиган мавзулар рўйхати:

1. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби ва аудити.
2. Сув хўжалиги ташкилотларида пул маблағлари ҳисоби ва аудити.
3. Хўжалик субъектларининг банкдаги ҳисоб-китоб счёtlари бўйича муомалалар ҳисоби ва аудити.
4. Сув хўжалиги ташкилотларида бюджетга солик ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисоби ва аудити.
5. Сув хўжалиги ташкилотларида меҳнат ҳақи ҳисоби ва аудити.
6. Сув хўжалиги ташкилотлари молиявий ҳисботларини текшириш ҳамда натижаларни расмийлаштириш.
7. Корхоналарда ички аудит хизматини ташкил этиш ва такомиллаштириш.
8. Сув истеъмолчи уюшмаларида бухгалтерия ҳисботини тузиш ва унинг таҳлили.
9. Бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизими ва уни такомиллаштириш масалалари.
10. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида соликқа тортишнинг соддалаштирилган тизимини қўлланилиши ва унинг ҳисоби.
11. Сув таъминоти ва канализация хизматларини кўрсатувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш.
12. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти ва унинг оширишга таъсир этувчи омиллар таҳлили
13. СИУларда бухгалтерия ҳисобини ташкиллаштириш ва такомиллаштириш.
14. Сув хўжалиги субъектларини кредитлаш ва уларнинг таҳлили.
15. Сув хўжалиги ташкилотларида дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари ҳисоби.

Ҳар йили кафедра профессор - ўқитувчилари билан ҳамкорликда талабалар томонидан 50 дан ортиқ илмий мақола ва тезислар чоп эттирилади.

Тұғаракка аъзо бўлиш учун телефон (71) 237-19-22

Шафкаров Ф.Х. (Б-211 хона)